

4 - МАЪРУЗА:

**Ёнғинда мажбурий
эвакуация жараёни**

РЕЖА:

1. Мажбурий эвакуация жараёни, эвакуация режаси.
2. Одамлар оқимининг ҳаракат ўлчамлари.
3. Эвакуация йўллари ва ўлчамлари.
4. Эвакуация вақтини аниқлаш.

Мажбурий эвакуация жараёни, эвакуация режаси

- Бино ва ишоотларда одамларни харакатланиши зарурий функционал жараён ҳисобланади. Бу жараённи кечиш шароитига қараб одамларни ҳаракати меъёрий ёки мажбурий ҳолатда бўлиши мумкин. Биринчисида одамларни бино ва ишоотларда кундалик эҳтиёж юзасидан нормал харакатланиши билан ифодаланса, иккинчисига бино ёки хоналардан ёнғин ёки зилзила шароитида одамларни хавфли муҳитдан хавфсиз жойга мажбурий кўчиш учун мўлжалланган ҳаракати тушинилади.
- Мажбурий эвакуация жараёни икки-тўртта поғонада ўтказилади. Биринчи поғона бу бинонинг охирги қаватида энг четда жойлашган хонадаги чиқиши эшигидан максимал узоқлашган иш жойидан одамларни коридорга чиқишидир. Буларга барча бино ва ишоотларнинг юқори қаватидаги хоналари киради.

- Иккинчи поғонага одамларни хонанинг чиқиши эшигидан то зинахона эшигигача бўлган масофани босиб ўтиши учун мўлжалланган Ҳаракати киради. Бунда Ҳаракатланувчи оқим коридор бўйлаб ўтади. Агар бино бир қаватли бўлса, эвакуатсия иккинчи поғонадан сўнг тугаши мумкин.
- Учинчи поғонага одамларни юқориги Қаватнинг зинахонага кириш эшигидан то биринчи Қаватда зинахонадан чиқиши эшигигача бўлган масофани босиб ўтиш учун Қилинган Ҳаракати киради.
- Тўртинчи поғонага одамларни зинахонадан чиққандан кейин вестибюл ёки фое ва тамбур орқали ташқарига чиқиши эшигигача бўлган масофани босиб ўтишига Қаратилган Ҳаракати киради.

- Саноат корхоналари бино ва ишшоотларида одамларни ҳаракатланиб юриши, ёрдамчи вазифаларга киради ва уни амалга ошириш учун маҳсус майдонлар (йўлаклар, зинапоялар, кириш ва чиқиш жойлари) ажратилади.
- Фуқаро ва жамоа биноларидаги алоқа хоналари хисобланмиш қисмида (коридор, даҳлиз, ровон-фое, зинахона ва б.р.) эса одамларни ҳаракатланиши асосий функционал жараёнга киради.
- Алоқа тармоқлари аталмиш бундай хоналарнинг сатхи кўпчилик ҳолларда, бинонинг умумий фойдали майдонининг 30% дан зиёдроқ қисмини ташкил этади. Бундай хоналар бино ва ишшоотларда қанчалик тўғри жойлаштирилган бўлса, уларни лойиҳавий эчимлари шунчалик фойдаланиш учун қўлай бўлади.


- Эвакуация йўлари деб, бино ва иншоотларда хавфли Ҳолат юзага келганда, одамларни бино ичида жойлашган доимий иш жойидан, Қисқа вакт ичида ташқарига олиб чиқадиган элементлар тизимиға айтилади.
- Бундай элементларга одамларни доимий иш жойидан энг Қисқа йўл билан ташқарига олиб чиқадиган йўналиш бўйлаб жойлашган йўлаклар, коридорлар, даҳлиз, зинахонадаги зинапоялар ва майдончалар, дарвозахоналар-вестибюл, тамбур (кириш дарвозалари орасидаги маҳсус хона), чиқиш эшиклари ва бошқалар киради.

- Эвакуация вақтида бинодан чиқиши эшиклари иккитадан кам бўлмаган ҳолда лойиҳалаштирилади. Хоналардан чиқиши эшиклари ва бинодан чиқиши дарвозалари бир-бираидан маълум масофада узоқлаштирилган бўлади.
- Агар хонанинг майдони катта бўлиб, ундан чиқиши эшиклари иккитадан ортиқ бўлса, улар орасидаги энг қисқа масофа Қўйидаги формула орқали аниқланади
$$\Lambda \geq 1,5P$$

P - хона майдонининг томонлар йиғиндиси, м.

- Эвакуация вақтини аниқлашда лифт ва эскалатор ускуналаридан фойдаланиш хисобга олинмайди.

«Нима учун?» чизмаси ёрдамида.....



Назорат саволлари

1. Мажбурий эвакуация жараёни нима?
2. Эвакуация режаси нима ва у Қандай тузилади?
2. Эвакуацияда одамлар оқимиининг ҳаракат ўлчамлари Қанақа аниқланади?
3. Эвакуация йўллари ва ўлчамлари Қандай белгиланади?
4. Эвакуация йўлларига бинонинг Қанақа элементлари киради?
5. Эвакуация вақти Қандай аниқланади?

Эътиборларингиз учун раҳмат!